



## БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИХАЛАРИ ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик лойиҳаларининг бориши ҳақида ахборот берилди.**

Сўнги йилларда пойтахтимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Кўпқаб турар жойлар, ишбилармонлик марказлари, корхоналар, хибонлар барпо этилди. Энди урбанизация жараёнларида узокни ўйлаб, қурилушлар шаҳар ташқарисидан амалга оширилмоқда.

Улардан энг муҳимлари – Олимпия шаҳарчаси ва Янги Тошкент лойиҳалари. Давлатимиз раҳбари ўтган йили 9 ноябрь куни Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйган эди. Унинг майдони 100 гектар бўлиб, 10 минг ўринли енгил атлетика ва футбол стадиони, 6 та ёпиқ ва 7 та очик спорт иншоотлари, сув спорти саройи, велотрек, яққаураш, жамоавий спорт мажмуалари барпо этилади. Бу ерда 2025 йилда Ешлар ўртасидаги Осиё ва Парасиё ўйинлари ўтказилади.

Лойиҳа дунёнинг 70 та мамлакатда спорт иншоотлари қурган Хитойнинг "САНС Engineering" компанияси билан биргаликда амалга оширилмоқда. Қурилишга миндан зиёд ишчи ва муҳандислар, илғор техникалар жалб қилинган. Ҳозирги кунга қадар 7 та асосий бинонинг ер ости ишлари тўлиқ бажарилган. Навбатдаги босқичлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ушбу ҳудуд яқинида яна бир шаҳар – Янги Тошкент қурилиши режалаштирилган. Президентимиз жорий йил 18 март куни унга тамал тоши қўйган

эди. Лойиҳанинг биринчи босқичида 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, давлат идоралари учун маъмурий бинолар, боғлар, ижтимоий ва иқтисодий объектлар барпо этилади.

Тақдиротда шу борадаги дастлабки ишлар ҳақида ахборот берилди. Бугунги кунда шаҳарни лойиҳалаштириш ва қурилишни мувофиқлаштириш учун дирекция тўзилган. Худуд чегаралари тасдиқлаб, Кадастр агентлиги билан инвентаризация қилинган. Инфраструктура ва меъморий ечимларнинг турли босқичлари бўйича Сингапур, Буюк Британия, Нидерландия, Туркия компаниялари ва маҳаллий тадбиркорлар билан шартномалар тузилган.

Хусусан, Сингапурнинг "Meinhardt group" компанияси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳада ижтимоий соҳа объектлари жойлашуви, транспорт тармоқлари ва уларни пойтахтимиз билан боғловчи йўللарга алоҳида эътибор қаратилган.

Тақдиротда, шунингдек, Ислон цивилизация марказининг ички меъморий қиёфаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Марказдан ўрин оладиган музейда мутафаккир боболаримизнинг илмий мероси, улар яшган давр муҳити акс эттирилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ўз вақтида, сифатли барпо этиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

## АНДИЖОННИНГ ОБОД КЎЧАЛАРИ

**Мамлакатимизда аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, хусусан, ички йўллارни таъмирлаш, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, янгилаш, янги подстанция, электр тармоғи учун бетон устунлар ўрнатиш, умуман, маҳалла инфратузилмасини янада яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ана шу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда дастуриламал бўлди. Мазкур қарор асосида Андижон вилоятидаги 473 маҳаллада ички йўллари, электрэнергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сув тармоқларини яхшилашга қаратилган умумий қиймати 581 миллиард сўмга тенг 527 лойиҳа танлаб олинган.

Қарорга кўра, Андижон вилоятидаги 167 маҳалладаги 173 кўчада қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ушбу ишлар доирасида жами 594,9 километр ички йўллари таъмирланди. Жумладан, 469 километр масофадаги тош йўллари асфальтланди, 76,8 километр йўлга бетонли қоплама ётқизилди, 49,1 километр масофадаги йўллarga шағал ётқизилди. Бундан ташқари, вилоят ҳудудидagi 10 кўприкда таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Натижада йўллар, кўприклар ҳолати тубдан яхшиланди, хизмат кўрсатиш мuddатлари узайди. Энг асосийси, таъмирланган кўчалар маҳаллаларга ўзгача қиёфа бахш этди.

Қарорда белгиланган ишларнинг амалга оширилиши билан маҳаллалардаги йўл билан боғлиқ кўплаб муаммолар ижобий ҳал этилади, – деди Андижон вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси Матбуот хизмати раҳбари Юлдуз Маллабоева ўза мухбири Фахриддин Убайдуллаевга. – Давлатимиз раҳбарининг қарори асосида амалга оширилган бу ишлар шубҳасиз, одамларимизнинг ўз ҳаётидан, бугунидан рози бўлиб яшашларини таъминлашга, давлатга, эртанги кунга бўлган ишончини мустақамлашга хизмат қилади.

Андижон вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси томонидан мавжуд ички йўллари таъмирлаш, ободонлаштириш борасидаги ишлар режа асосида давом эттирилмоқда.

### ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

## Фарғонада иккита замонавий шифоҳона иш бошлади



**Президент Шавкат Мирзиёев 27-28 июль кунлари ташриф билан Фарғона вилоятида бўлди. Ташриф чоғида – 27 июль куни ҳудуддаги ўн та янги мажмуани ишга тушириш маросимида иштирок этди.**

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилояти минтақавий филиалида интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик бўлимлари, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг мукаммал таъмирдан чиқарилган 7 қаватли даволаш биноси ҳамда янги қуриб битказилган қабул-диагностика биноси фойдаланишга топширилди.

Давлат раҳбари ташрифидан сўнг ушбу тиббиёт масканлари фаолияти билан танишди.

Президентимизнинг давлат раҳбари бўлиб иш бошлаган илк кунлардан оқоли саломатлигини мустақамлаш ва табиий хизмат сифатини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этиш лозим.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти минтақавий филиали интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик бўлимлари қурилишига маҳаллий бюджетдан 24,1 миллиард сўм маблағ сарфланди. 32 турдан зиёд замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

Муҳими, вилоят аҳолиси учун 60 турдан зиёд юқори технологик кардиожаррохлик хизматларини амалга ошириш имконияти яратилди.

– Кун кеча Президентимиз Фарғона вилоятига ташрифи давомида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилояти минтақавий филиалининг интервенцион кардиология ва кардиожаррохлик бўлимларини очиб бердилар, – деди Фарғона вилояти солиққчи сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдуқоим Тўхтақулов.

– Шифохонамиз энг замонавий, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Масалан, юракни операция қилиш учун сунъий қон айланishi ва сўнгги моделдаги наркоз аппарати бор. Ангиограф аппарати эса функцияси бўйича Ўзбекистонда ягона ҳисобланади. Бу қурилма бемор учун ҳам, мутахассис учун ҳам хавфсиз. Қурилмадаги УЗИ ёрдамида томирни тизалаш, қўл ва оёқдаги майда қон томирларини очиб берилди.

Таъкидлаш лозим, илгарилари кардиожаррохлик ишлари Фарғона вилоятида амалга оширилмаган. Беморлар эса узок йўл босиб, қўшни вилоят ёки Тошкентга боришга мажбур бўлган. Афсуски, кўплаб беморлар пойтахтгача етиб бормолмаган. Ҳозир эса шифохонамизда ёшлардан то катта ёшдаги беморларга барча турдаги кардиожаррохлик амалиётини ўтказиш имконияти бор. Ушбу шифохона нафақат

вилоятдаги балки қўшни вилоятлар ва Қирғизистон фуқароларига хизмат қилиши мумкин. Бу вилоятда тиббиёт туризми ривожига ҳам хизмат қилади. Умуман олганда, йилига 3000 тадан ортиқ юқори технологик операцияларни ўтказишимиз, бунинг натижасида кўплаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишимиз мумкин.

Шифохонамиздаги замонавий аппаратларни ишлатиш учун юқори малакали мутахассислар керак бўлади. Бунинг учун хориждан малакали мутахассисларни таклиф қилдик. Филиал директори Камолитдин Раҳмонов тажрибали мутахассислардан. У Россиянинг Бакулево номидаги юрак қон-томир касалликлари жаррохлик марказида 22 йил давомида ишлаган тажрибали мутахассис. Шунинг мамнунияти билан айта келганман, – деди Камолитдин Раҳмонов.

– У ҳам Бакулево номидаги юрак қон-томир касалликлари жаррохлик марказида 22 йил давомида ишлаган тажрибали мутахассис. Шунинг мамнунияти билан айта келганман, – деди Камолитдин Раҳмонов. – У ҳам Бакулево номидаги юрак қон-томир касалликлари жаррохлик марказида 22 йил давомида ишлаган тажрибали мутахассис. Шунинг мамнунияти билан айта келганман, – деди Камолитдин Раҳмонов.

32 миллиард сўм сарфланиб амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази

Фарғона филиалида бир кеча-кундузда бемор қабул қилиш қуввати 150 тадан 355 тага етказилди.

– Филиалимизга 3,6 миллион долларлик 56 турдаги 162 та тиббий жиҳозлар олиб келинди, – деди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали директори Шерали Йўлдошев ўза мухбири Зиёдулла Жониевга. – Янги қуриб битказилган, беморларни касалликнинг оғирлиги даражаси бўйича таксимлайдиган туну кун ишлайдиган шошилинч қабул бўлимида аҳолига замонавий шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида оғир беморлар учун алоҳида қизил йўлак, шошилинч ёрдамга муҳтож беморлар учун сарик йўлак ва амбулатор ёрдам кўрсатиш учун яшил йўлақлар ташкил этилди. Беморларга даволаш диагностика стандартлари бўйича шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун алоҳида шок зали, кичик операция хонаси, муолажа хонаси, болаларга ёрдам кўрсатиш хонаси, травматолог, нейрохирург, хирург, ЛОР, терапия, лаборатория ва бошқа тор доирадаги мутахассислар учун алоҳида хоналар, тўғри ташхис қўйиш ва тўғри даволаш ишлари олиб бориш учун алоҳида функционал диагностика бўлими ташкил этилди.

Энг асосийси, мазкур муассаса замонавий тиббий жиҳозлар билан жиҳозланиши натижасида 60 турдаги юқори технологик лапароскопи, тороаскопи ва эндоскопи жаррохлик амалиётлари, даволаш усуллари татбиқ қилиниб, юқори технологик операциялар амалга ошириш имконияти яратилди.

## Оққўрғон ва Сорисув обод гўшага айланади

**Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги Оққўрғон ва Сорисув маҳаллаларида "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" мезонларини жорий этиш, худуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва оғир худуд тоифасидан чиқариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Бу борада махсус "Йўл харитаси" тайёрланиб, ҳар бир банд ижроси Республика ишчи гуруҳи томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда. Жумладан, худуд аҳолиси электр таъминотини яхшилаш мақсадида иккала маҳаллада яроқсиз симёғочлар ўрнида 480 таянч бетон устун ўрнатиш, учта қўшимча трансформатор қўйиш, 70 дона юқори кучли ҳаво тармоғи ва 10,2 километр СИП кабель тармоғи тортиш режалаштирилган.

Оққўрғон маҳалласидаги етти ва Сорисувдаги уч ички кўчанинг қарий 2 километр қисмини шағаллаштириш, 3,6 километр умумфойдаланишдаги автомобиль йўлла-

рини капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, маҳаллалардаги марказий кўчаларда пиёдалар йўлақлари қурилади, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилади. Ариқ ва зовурлар тизиланади, қабристонлар ҳудудда ободонлаштириш ишлари бажарилади. "Хавфсиз маҳалла" тамойили асосида кўчаларга кузатув камералари ўрнатилади. Оққўрғон маҳалласи учун янги бино қурилади. Шунингдек, таълим ва тиббиёт муассасаларида таъмирлаш ишлари амалга оширилади, кўёш панеллари ўрнатилади.

Маҳаллаларда "хонадонбай" ўрганиш асосида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, томорқадан сама-

рали фойдаланиш, бандлигини таъминлаш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, тиббий кўрик, спорт мусобақалари, интеллектуал танловлар ўтказиш, бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этиш ва бошқа вазифалар белгиланган. Айни пайтда барча йўналишлар бўйича масъул ташкилотлар томонидан амалий ишлар олиб боришмоқда, деб ёздаи ўза мухбири Ғолиб Ҳасанов.

Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов ва республика ишчи гуруҳи масъулари иштирокида Оққўрғон ва Сорисувдаги ишлар вилоят ташкилотлари ва Пайариқ тумани ҳокимлиги масъуллари, маҳаллалар фаоллари иштирокида муҳокама этилди. "Йўл харитаси"да белгиланган ҳар бир вазифа ва чора-тадбирларни ўз вақтида, сифатли бажариш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди. Амалга ошириладиган ишлар аҳоли ҳаётини ўзгартириши ва розилигига хизмат қилиши зарурлиги таъкидланди.

### ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 августдаги тегишли қарорига кўра, **Адилов Давронжон Кабилджанович** Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари – Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси" директори лавозимига тайинланди.



## “E-auksion” платформаси орқали олти ойда қандай ишлар амалга оширилди?

**“E-auksion” платформаси орқали ўтган олти ойда умумий қиймати 8,6 трлн сўм бўлган 301 106 та лот электрон савдоларга чиқарилди. Бу ҳақда АОКАда бўлиб ўтган брифингда “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ директори в.б. Соҳибжон Муродов маълумот берди.**

Хусусан, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар мулклари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш ва ижарага бериш, қишлоқ хўжалиги ер майдонларини фуқароларга деҳқон хўжалиги юртиш учун ҳамда юридик шахсларга узоқ муддатли ижарага бериш, кўча савдо объектлари жойларини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш, ижро ҳужжатлари асосида мол-мулклар реализацияси ҳамда хусусий буюртмалар

бўйича электрон-онлайн аукцион ва танловлар ташкил этилди. Бошланғич нархи 2,8 трлн сўм бўлган 259 907 та лот 3,7 трлн сўмга ёки 844 млрд сўм қимматроқ нархга сотилди. Хусусан, 1 трлн 759 млрд сўмлик 849 та давлат активлари 1 трлн 966 млрд сўмга, 210 млрд сўмлик 7 386 та ер участкаси 377 млрд сўмга, 60 млрд сўмлик 5 665 та давлат мулки ижараси 205 млрд сўмга, 448 млрд сўмлик 1 726 та ижро ҳужжатлари бўйича мулклар 584 млрд сўмга, 13 млрд сўмлик

159 та ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ва дарё ўзанларини тозалаш ҳуқуқи 29 млрд сўмга, 2 млрд сўмлик 9 894 та кўча савдо жойлари 18,7 млрд сўмга реализация қилинди. Бундан ташқари, 2023 йилнинг 2-чораги давомида янги тартибга асосан норматив қиймати 861 млрд сўм, майдони 25 294 гектар бўлган 35 739 та қишлоқ хўжалиги ер майдонлари электрон танловлар орқали маҳаллий бюджетга 1 трлн 82 млрд сўм қўшимча тулов тулаш мажбурияти билан ижарага берилди. 2023 йил 1-ярим йиллиги давомида “E-auksion” савдо платформасига 3 млн 572 минг нафар фойдаланувчи ташриф буюрди ҳамда ўтказилган электрон аукцион ва танлов савдоларида 664 850 нафар жисмоний ва юридик шахслар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарорига асосан, “E-auksion” савдо платформаси оператори ҳисобланган Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг мулкчилик шакли ўзгартирилди ва акциядорлик жамиятига айлантирилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали “Битта акция – битта лот” тамойили асосида халқ IPOсини ўтказиш тартибида оммавий савдоларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

## ЙўЛЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШДА соҳа олимлари тажрибасининг аҳамияти

Райҳона ХУҲАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Йўлсозлик – доимий ислоҳот талаб этадиган соҳа. Шу боис, йўл хўжалиги қурилиш соҳасини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш бўйича давлатимиз томонидан тизим фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Ўрганишлар қуриётган йўллар сифатини яхшилаш, хориз тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этиш, йўл қурилиши соҳаси истиқболлари бўйича олимлар томонидан олиб борилаётган илмий ишларни соҳанинг тараққиётига хизмат қилдириш кераклигини кўрсатмоқда. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, йўл инфратузилмасини яхшилаш мақсадида Автомобиль йўллари қўмитасида олимлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Автомобиль йўллари қўмитаси мутасаддилари, қўмита таъсисчиларидаги Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти профессор олимлари, “Узйўллойиха” қидирув институти давлат унитар корхонасининг илмий ходимлари иштирок этдилар.

Кўмита раиси Жамшид Турсунов тизимда мавжуд муаммолар, камчиликлар ҳақида тўхталиб, айрим йўллар кафолат муддатига етмай туриб емирилишининг сабабларини топишда йўлсозлик соҳаси етакчи олимларининг илмий излашлари кўлаги долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади. Шунингдек, йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилётган қарор лойиҳаси бўйича учрашув иштирокчиларининг фикрлари ҳам ўрганилди. Учрашувда иштирок этган олимлар ҳам ўз навбатида соҳани янада ривожлантириш, йўлларнинг сифати ва чидамлилигини ошириш, мавжуд стандартларни қайта кўриб чиқиш ҳамда йўлсозликда инновацион ғояларни илгари суриш бўйича таклифларини билдиришди. Бундан ташқари, учрашувда йўл инфратузилмасини яхшилаш, кафолат муддатини узайтиришда илмий асосланган манбаларга таянган ҳолда иш юритилишини фойдали томонлари ҳақида ҳам сўз борди. Шунингдек, соҳага маънавий мухтабларни жалб этиш, инновацион фикрлайдиган ёшлар кучига таяниш, хоризда таълим олган ва ишлаган ходимларни тизимга жалб этиш, йўл соҳасини рақамлаштириш, инсон омилли аралашувини камайтириш бўйича ҳам бир қатор таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

## Форишда инфратузилма янада ривожланмоқда

Фозилжон ҚОСИМОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига қулай турмуш шароитини яратишга қаратилган ишлар олис Форишда ҳам изчил олиб бориляпти. Аини кунларда қатор ижтимоий соҳа объектларида таъмирлаш ишлари давом этмоқда.**

Янги ўқув йили олдидан таълим максанларида реконструкция ишлари белгиланган давлат дастурлари асосида давом этмоқда. Хусусан, Фориш тумани марказидаги 280 ўринли 1-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти капитал таъмирланяпти. Асосий икки бинони болговчи иншоот янгиланиб, бино ичларида сувоқ ишлари яқунланди. Шу кунларда биноларнинг ташқи фасадларини пардозлаш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, дастур асосида 43 ҳамда 19 умумтаълим мактабларида жорий таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Дарвоқе, бу йил 6-сон давлат мактабгача таълим ташкилотига лойиҳа асосида иситиш тизими ўрнатилди. Бундан ташқари, эҳтиёждан

келиб чиқиб Оқ тепа маҳалласидаги 30-умумтаълим мактабига ҳам қўшимча 180 ўринли янги бино қуриб берилди. Таъкидлаш керак, жорий йилда Форишдаги маҳаллий аҳамиятдаги йўллар сифати ҳам яхшиланди. 14 млрд сўмлик маблағ ҳисобига Нарвон маҳалласида 17 километр йўл таъмирланиб, Дарбоза маҳалласига элтувчи йўлнинг 10 км асфальт қисми реконструкция қилинди. Шунингдек, Учма қишлоғидаги 4 километр йўл ҳам таъмирдан чиқди. Шу кунларда йўлсозлар тоғ орти яъни, Гараша ва Қоробдол қишлоқларида ҳам таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда. Бундан ташқари, туман тиббиёт бирлашмасида ҳам таъмирлаш ишлари кетмоқда. 3 қаватли даволаш бўлими қайта реконструкция қилинмоқда.



Ҳозирга қадар айрим маҳаллаларда ичимлик суви масаласи ҳам муаммо эди. Бу йил жами 15 млрд 424 млн сўм маблағ ҳисобига Амир Темур, Эгизбулок, Оқтом, Осмонсой ва Оқтепа маҳаллаларида жами 61 км сув тармоқлари тортилиб, 11 та сув иншооти ўрнатиш ишлари олиб борилди. Айтиш керакки, инфратузилма объектларининг яхшилланиши нафақат маҳаллий аҳоли учун қулай шароитларни яратди, балки шу билан бирга Нурота тоғлари, Айдар кўл бўйларига саёҳатга келувчи сайёҳлар сонининг ошишига ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

## ХОРАЗМДАН ДАРАКЛАР

### “Ташаббусли бюджет” муаммоларни ечмоқда

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Ташаббусли бюджет” лойиҳасини халқимизнинг бирдамлигини синондан ўтказадиган платформа, десак ҳам бўлади. Жорий йилнинг биринчи мавсумида иштирокчилар сони республикамизда 16 миллиондан ошган бўлиб, жами 34 мингта лойиҳа овозга қўйилган. Шундан, 1 666 таси ғолиб бўлди. 1 300 та лойиҳага 2 мингдан ортиқ аҳоли овоз берган бўлса-да, ғолибликка эришолмаган. Халқимизнинг таклифларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бу лойиҳаларга қўшимча равишда 1 трлн 300 млрд сўм ажратилиши белгиланди.**

Хоразм вилоятида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига йўлларни таъмирлаш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш, пидедалар йўлакчалари барпо этиш, трансформаторлар ўрнатиш, умумтаълим мактаблари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш бўйича таклифлар тушган. Ҳозирда вилоят бўйича ғолиб бўлган жами 172 та лойиҳага 159 млрд 597 млн сўм молиялаштирилди, жойларда амалий ишлар бажарилмоқда. Биргина Хонқа туманининг ўзида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси учун 7 млрд 836 млн сўм маблағ ажратилди. Очқ бюджет ахборот портали орқали туман фуқаролари томонидан йўланган 518 та таклифдан 284 таси қанотлангирилиб, овоз бериш жараёнига ўтказилди. Унда фуқаролар томонидан 59 249 та овоз келиб тушиб, туман бўйича 11 та таклиф ғолиб деб топилди. Бу-

нинг учун эса 7 млрд 470 млн сўм ажратилди. Ҳозирда жойларда таклифларни амалга ошириш жараёни кетмоқда. Тумандаги Пахтакор маҳалласида 11 та кўча ва 11 километрли йўллар мавжуд. Ўтган йили ҳам маҳалла аҳолиси ташаббусли бюджет лойиҳасида иштирок этиб, ғолиб бўлган. Шундан сўнг айрим кўчалар асфальт қилинган. Жорий йилда ҳам ушбу маҳалла аҳли 26 мингта овоз тўплаб, ғолибликни қўлга киритди ва 1 млрд 200 млн сўмга эга бўлишди. Бу эса маҳаллада йўл билан боғлиқ муаммолар ҳал этилишига сабаб бўлди. Хусусан, кўчаларга асфальт ётқизирилиб, йўллар раво ва текис бўлди. Хулоса қилиб айтганда, сўнгги уч йилликнинг энг оммабоп лойиҳаларидан бирига айлиб бораётган “Ташаббусли бюджет” дастури амалда ҳам чинакам ташаббуслар майдонига эга бўлди.

### Тупроққалъада ун заводи қурилмоқда



**Тупроққалъа туманида йирик саноат корхоналари сони яна биттага кўпаймоқда. Ҳозирда “Pitnak Agro Don” МЧЖ томонидан “Муҳаббат” МФЙ ҳудудида ун заводи қурилиши жадал суръатда давом этапти. Лойиҳа қиймати 12 миллиард сўм бўлиб, қуввати йилига 21 600 тонна ун ишлаб чиқаришга мўлжалланган.**

Ҳозирга қадар қурилиш ишларининг 60 фоизи бажарилди. Аини кунларда алоқадор ташкилотлар билан келишилган ҳолда ушбу ун заводига темир йўл тармоғи тортиш ишлари олиб бориляпти. Туркиялик ҳамкорлар билан корхонанинг

технологик ускуналарини етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланиб, туловлари амалга оширилган. Мазкур лойиҳа ташаббускори 2 миллиард сўм миқдорида айланма маблағ учун имтиёзли кредит олишга ҳаракат қилмоқда. Бу маблағ за-

вод ишга туширилганда чет элдан (Қозғистон) хомашё олиб келиш учун сарфланади. Завод жорий йилнинг декабрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, 20 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

### Қарор ижроси билан

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги “Хоразм вилоятида аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан вилоятнинг барча ҳудудларида тизимли ишлар йўлга қўйилган.**

Жумладан, эҳтиёжманд оилалар уйлари-нинг том қисми шифер билан қопланиб, таъмирга муҳтож хонадонларнинг уйлари жорий таъмирланяпти. Умуман яшаш шароити қийин бўлган уйлар ўрнига янги уйлар қурилмоқда. Янгибозор туманида 276 та хонадонда ижтимоий имкониятидан келиб чиқиб уй томини ёпиб бериш ҳамда жорий таъмирлаш ишлари давом этмоқда. 184 та хонадоннинг том қисмлари ёпиш ва яшаш учун яроқсиз бўлган 18 та уйлари янгидан қуриш ва 74 та хонадонда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.



Ҳазорасп туманида ҳам 597 та хонадонда уйлари-нинг том қисмини ёпиш, таъмирлаш, янгидан қуриш ишлари амалга ошириляпти.

### Фойдали лойиҳалар туфайли ҳудуд обод бўлмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бирлашган Миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури томонидан амалга ошириляётган ҳамда Ислом тараққиёт банки ва Нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилотининг халқаро тараққиёт жамғармаси томонидан молиялаштириляётган қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш қўшма лойиҳасига Хоразм вилояти ҳам киритилган.**

2021-2025 йилларда амалга оширилядиган мазкур лойиҳа бўйича БМТ тараққиёт дастури вакиллари ва вилоят ҳокимлиги масъуллари иштирокида келгусидаги режалар муҳокама қилинди. Унга кўра, ҳудуддаги 6 та туман қисмида 49 та маҳаллада 177 967 нафар аҳоли учун инфратузилмаларни яхшилаш борасидаги лойиҳалар муҳокама қилиниб, вазифалар белгилан олди. Юқоридаги режаларни амалга ошириш учун 216 та лойиҳа ишлаб чиқилган.

2021-2026 йилгача ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида эса қишлоқ врачлик пунктлари, мактабгача таълим пунктлари, мактаблар қурилади. Йўллар асфальтланиб, пидедалар учун йўлакчалар қилинади. Электр ва сув таъминоти, канализация ва дренаж тизимлари яхшиланади. Лойиҳада вилоятнинг 6 та – Гурлан, Янгибозор, Урганч,

Богот, Хонқа, Ҳазорасп туманларидан 49 та маҳалла танлаб олинган, – деди лойиҳа координатори Руслан Оллабергенов. – Ушбу ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш, йўллар ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ҳамда янгидан қуриш ишлари белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларини ўз ичига олган бўлиб, умумий қиймати 338 миллион долларни ташкил этади. Шундан, 200 миллион доллар Ислом тараққиёт банки, 75 миллион доллар Нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилотининг халқаро тараққиёт жамғармаси кредит маблағлари, 3,5 миллион доллар БМТ тараққиёт дастури ва салкам 60 миллион доллар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги улушига тўғри келади.



### Контейнер тиббиёт пунктлари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига асосан соғлиқни сақлаш соҳасида бир қатор вазифалар белгилан берилган эди. Ана шу вазифалар ижроси доирасида Янгиариқ туманида муайян ишлар олиб борилмоқда.**

Хусусан, чекка ҳудудларда аҳолига хизмат кўрсатиш учун замонавий тиббий пунктлар ташкил этилмоқда. Ана шундай контейнер тиббиёт пункти тумандаги Ангарик маҳалласига ўрнатилди. Тиббиёт пунктининг очилиш маросимида туман ҳокими А. Давлетов, нуронийлар, тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

Ушбу контейнер тиббиёт пунктида бирламчи тиббий хизмат йўлга қўйилган бўлиб, аҳолига сифатли медицина хизмати кўрсатиш учун зарурий

барча шароитлар яратилган. Шунингдек, бундай ёндашув одамларнинг узоқ йўл босиб туман марказига бориш, биргина ташхис учун навбат кутиб кун ўтказиш каби муаммолардан халос этиш билан бирга беморларга ўз вақтида биринчи ёрдам кўрсатилишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, контейнер тиббиёт пункти тумандаги Севган маҳалласида ҳам ташкил этилиб, 3 112 нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилди.



## Фарҳод маҳалласида газ таъминоти яхшиланмоқда

Бехзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кўкда пайдо бўлаётган оқпар булутлар қуёшли кунларнинг ғанимат эканини эсга солаётгандек. Зеро, бу она табиатнинг остонасида қаҳратон пайт пойлаб турганига бир ишорадир. Баъзиларнинг фикрича, саратоннинг тафти баланд бўлгани учун қаҳратоннинг ҳам қаҳри қаттиқлашиши эҳтимоли йўқ эмас.

Шунинг учун, синов мавсуми – қишга пухта ҳозирлик қилиш, айни кунларнинг ҳар дамидан оқилона фойдаланиш зарур. Одатда, халқимиз қиш ғамини ёзда ейишга одатланган. Ахир, мавсумнинг беталафот, кунгилдагидек ўтиши бугунги сарф-ҳаракатларга боғлиқда.

Сирдарёда ҳам бу борадаги ҳаракатлар аллақачон бошланди. Хусусан, Боевут туманидаги Фарҳод маҳалласи табиий газ таъминотини етказиб бериш бўйича оғир ҳудуд, деб топилган. Ушбу маҳалланинг Увоқ қишлоғига йўналтирилган диаметри 63 миллиметрни, ўрта

босимли полиэтилен газ қувири эса яроқсиз ҳолга келган эди. Бунинг оқибатида соҳа ходимлари истеъмолчиларни куз-қиш мавсумида табиий газ билан бир меъёрга таъминлай олмаган эди.

Шу сабабли, ушбу полиэтилен газ қувири ўрнига "Худудгазтаъминот" АЖ томонидан Д-76 мм, узунлиги 2 220 метр бўлган пўлат газ қувири ўрнатилди. Газ қувирулари ўрнатилган, Фарҳод маҳалласининг Увоқ қишлоғининг Камалак, Истикбол ва Богистон кўчаларидаги 197 та хонадоннинг табиий газ таъминоти яхшиланади.

Бу йилги куз-қиш мавсумида маъмур маҳалла аҳолисида табиий газ таъминотида муаммо юзга келмайди, деган умиддамиз.

## Raqamli texnologiya tezkorlikning kafolatidir

Dilnura ABSALOMOVA, Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi.

Davrimizda yuqori texnologiyalarning rivojlanishi insonlar uchun mislsiz qulayliklarni paydo qildi. Kundan kunga yangicha texnologiyalar vujudga kelib, qanchasi amaliyotga tatbiq qilinmoqda. Insonlarning turmush tarzini tubdan o'zgartirayotgan raqamli texnologiyalarning bugungi kundagi yutuqlari katta. Prezidentimizning Oliy Majlisga Murojaatnomasida 2020-yilning "Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili", deb e'lon qilinishi ham uning ahamiyati dolzarbligidan dalolatdir.



Davlatimiz o'z oldiga eng rivojlangan mamlakatlar qatoridan o'rin olishni maqsad qilib qo'ygan va shu yo'nalish bo'yicha harakatlanishdan, izlanishdan to'xtaganini yo'q. Zero, raqamlashtirish nafaqat insonlarning turmush tarzi, balki ta-fakkurini ham o'zgartiradi. Raqamlashtirilgan davlat o'z fuqarolarining turmush tarzi uchun turli xil qulayliklarni yaratadi, shuningdek, millat tafakkurini yangi bosqich-ga olib chiqib, elektron madaniyatni ham yuksaltiradi.

Tasavvur qiling, ishonangizdan bir haftalik ta'til berildi va siz do'stlaringiz bilan sayohatga chiqmoqchisiz. Ammo hech biringizda mashina yo'q. Shu holatda siz internet orqali mashinalarni vaqtinchalik ijaraga beruvchi kompaniyalar bilan bog'lanib, elektron xizmatdan foydalan-siz. Umuman olganda, turli maishiy xizmatlardan elektron foydalanish imko-ni hayotimizga o'ziga xos qulayliklar olib kirdi. Ayniqsa, vaqtimiz tejilishini alohida qayd etish joiz.

Raqamli texnologiyalarning rivojlani-shidagi afzalliklari ko'p. Masalan, ishlab chiqarishdagi xarajatlarning kamayishi, yangi ish o'rinlarining yaratilishi, zamo-naviy kasblarning paydo bo'lishi, kundalik hayotdagi o'zgarishlar va hokazo. Raqam-li iqtisodiyot bugungi kunda ko'plab davlatlarda rivojlanmoqda. Jumladan, Finlandiya, Singapur, Norvegiya, Shvet-siya, Shvetsariya, AQSH, Buyuk Britaniya, Daniya, Janubiy Koreya va Gonkong.

Bugun dunyo mamlakatlari kabi O'zbekistonda ham raqamli iqtisodiyot rivojlanmoqda. Kundalik hayotimizga ax-borot texnologiyalarini tatbiq qilinishi or-tidan oddiy insonlar uchun ko'plab yangi

imkoniyatlar paydo bo'ldi. Hozirgi kun-da uydan chiqmasdan turib, oziq-ovqat mahsulotlari va taomlariga buyurtma berishimiz, ularni uyimizgacha yetkazib kelishlari mumkin. Ammo fuqarolarda kompyuter savodxonligi yetarlicha rivoj-lanmaganligi, axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassislarining yetishmasli-gi dolzarb muammolardan bo'lib tu-ribdi. Yuqorida keltirilgan muammolar bosqichma-bosqich, tizimli, dunyo taj-ribasidan kelib chiqqan holda hal qilinsa, O'zbekiston ham bimalol raqamli iqtis-odiyotni rivojlangan mamlakatlardan biri bo'la oladi.

Ayniqsa, pandemiya davrida raqam-lashtirish va online xizmatlar keng yoyilishi kuzatildi. Bu vaziyat raqamli dunyo sari qadamimizni yanada tezlashtirib yubor-di. Zero, pandemiya davrida ko'chalarda yurish ta'qiqlandi hamda insonlarning o'zaro muloqotlari ham uzilib qoldi. Bun-day vaqtda esa raqamlashtirish metodi barcha davlatlarda va o'zimizda ham keng qo'llanildi. Pandemiya orqali raqamli tex-nologiyalarning qanchalik muhimligini va foydali tomonlari ko'p ekanligini anglab yetdik.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 5-ok-tabrdagi farmoniga asosan "Raqamli O'zbekiston - 2030" strategiyasi, shuning-dek, 2020-2022-yillarda uni amalga oshirish bo'yicha "Yo'l xaritasi" tasdiqlan-di. Bu ham soha rivojidagi muhim qadam bo'ldi desak, adashmagan bo'lamiz.

Xulosa qiladigan bo'lsak, raqamli tex-nologiya tezkorlikning kafolatidir. Zero, yaqin kelajakni raqamli texnologiyalarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi.

## Маънавият улашувчи маскан



Суратларда: Махмуд Замахшарий номидаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказида. Бехзод Бек СAIДОВ (УзА) олган суратлар.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ахборот-кутубхона муассасаларининг роли катта.

Махмуд Замахшарий номидаги Хо-разм вилояти ахборот-кутубхона маркази ҳам халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлида самарали фаолият юритмоқда.

Зиё масканида ёшлар, ҳуқуқий ахбо-рот, она ва бола, илмий ходимлар, улқа-шунослик тарихи, хорижий адабиётлар,

ахборот технологиялари, фойдаланувчи-ларга хизмат кўрсатиш, анжуманлар ўт-казиш заллари мавжуд. Барча хоналар ва залларга ахборот-кутубхона маркази хо-димлари ҳамда китобхонлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида замонавий жиҳозлар ва компьютер жамланмалари,

алоқа ва интернет воситалари ўрнатил-ган. Wi Fi зонаси ишлаб турибди.

Марказ хизматларидан фойдаланув-чилар сони ҳозирда 23 минг нафардан зиёд бўлиб, уларнинг аксарияти ёшлар-дир.

Бу ерда 618 830 нусхада ахборот ҳуж-жатлари мавжуд.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази олий ўқув юртлири, ўрта-махсус касб-ҳу-нар таълими бошқармаси, вилоят халқ таълими, вилоят Соғлиқни сақлаш бош-қармаси, Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлими, вилоят маънавият-маърифат маркази, Маъмун академияси билан ҳам-корлик алоқаларини йўлга қўйган.

### СПОРТ

## Оғир атлетика: СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ЮТУҒИ

Ҳиндистонда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида поёнига етган Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари муҳим ютуққа эришди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари мурасимиз баҳслар якунига кўра, 9 та олтин, 14 та кумуш, 13 та бронза медалига эга чиққан ҳолда умумжамоа-да 1-ўринни эгаллаган бўлса, ўсмирлар терма жамоаси вакиллари 14 та олтин, 7 та кумуш, 16 та бронза медали эвазига ўз тенгқурларини орасида Осиёнинг энг куч-ли иккинчи жамоаси номига мушарраф бўлди.

Умумий ҳисобда 73 та медаллар жамғармасини қўлга кириштиб, Деҳ-ли спорт майдонида Ватан шухратини улуғлаган Ўзбекистон делегацияси Ис-лом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Маросимда иштирок этган Ёшлар сибсати ва спорт вазирилиги, Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси мутасадди-лари, кенг жамоатчилик вакиллари ёш полвонларимизнинг ушбу ютуғи Акбар Жўраев, Руслан Нуриддинов сингари Олимпия чемпионларининг муносиб из-



дошлари етишиб келаётганининг ёрқин далили эканини таъкидлади, деб ёзади УзА мухбири Тўлқин Рўзиев.

Кутиб олиш маросимида эришил-ган муваффақият ортида ҳудудларда фаолият кўрсатаётган мураббий-му-тахассисларнинг муносиб хизматлари

бўлгани, иқтидорли спортчиларни са-ралаш, танлаш ишлари самарали кеча-ётгани айтилиб, айнан ушбу ёшлар яна икки йилдан сўнг Тошкентда ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги Осиё ўйинларида медаллар учун кураш олиб бориши эъ-тироф этилди.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Август ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

"Ташгипрогор" АЖ етакчи ҳайдовчи **Расул Усманов**,

Андижон вилояти, Булоқбоши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжа-лиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Шохбос Обиджонов**,

Навоий вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нарҳларни шаклланти-риш ҳудудий консалтинг маркази кичик мутахассиси **Руслан Умаров**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳайдовчиси **Отбек Абдухатов**,

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Илхамжан Бегматов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи **Элёр Эшматов**,

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги "Obod-Ozod-Vatan" МЧЖ бошқа-рув компанияси бош директори **Мафтуна Исматова**,

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги "Бўстонсарой коммунал" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Фахриддин Хатамов**,

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги "Водий Намунали уйлари" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Турсуной Каримова**, Қувасой шаҳрида-ги "Gress fauz uyleri bsc" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Шаҳноза Отабоев**,

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги "Dobus Kommunal" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Эшонкул Рўзиев**, Чилонзор туманидаги "Бош-қарув сервис MOON" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Сардор Юлдашев**ларни таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚТИЛАЙМИЗ!**



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров  
(Таҳрир хайъати раиси),  
Шерзод Хидоятлов,  
Давронжон Адилов,  
Жалол Арашов,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов,  
Бобир Элмуродов,  
Қудратбек Хошимбеков.

### ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»  
Наширёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЫОДКОРИ»  
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги,  
«Ўзсанеоатқурилишматериаллари»  
уюшмаси, «ЎзАШКЛИТИ» ДУК,  
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

### ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-49 (қабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-49 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна  
бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

### ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-837. 1625 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Ҳўжаева.

**Навбатчи** – М. Ҳайдаров.

ЎзА якуни – 22.00.

Тошпирилди – 22.30.